


«Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» масжиди имом-хатиби Исмоил домла Муҳаммад Юсуф «Дўмбиробод» масжидига ташриф буюрди



13:38 / 27.11.2021 2667

Маълумки, юртимизнинг бир гуруҳ таниқли имом-хатиблари пойтахтимиз масжидларига ташриф буюриб, пешин ва хуфтон намозларини жамоат билан адо этгандан сўнг мўмин-муслмонларга маърифий суҳбат қилиб бермоқдалар.

Жумладан, 26 ноябрь куни «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди имом-хатиби Исмоил домла Муҳаммад Юсуф Чилонзор туманидаги «Дўмбиробод» жомеъ масжидига ташриф буюриб, йиғилган жамоат аҳлига мутаассир мавъиза қилиб бердилар. Хусусан, юртимизда

сўнги йилларда маърифий соҳада амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар ва уларнинг натижалари ҳақида, шунингдек, динимизнинг соф таълимотини жамоат аҳлига етказиб, кўнгилларга зиё улашдилар.

Аллоҳ таоло амру маъруф ва наҳйи мункар қилувчи, ваъз-насихат этувчи бандаларини энг яхши уммат дея мадҳ этган: Бу ҳақда Ўз каломида: **«Сиз одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат бўлдингиз. Амри маъруф қиласиз, наҳйи мункар қиласиз ва Аллоҳга имон келтирасиз»**, деган (*Оли Имрон сураси, 110-оят*).

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламдан одамларнинг энг яхшиси кимлиги сўралганда, у зот алайҳиссалом: **«Одамларнинг яхшиси - қорироғи, тақводорроғи, амри маъруф қилувчироғи, наҳйи мункар қилувчироғи ва силаи раҳм қилувчироғи»**, деганлар.

Имом Аҳмад ривояти.

«Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жомеъ масжиди имом-хатиби Исмоил домла Муҳаммад Юсуфнинг маърузаларидан «Дўмбиробод» масжид қавми баҳраманд бўлишди ва суҳбат сўнгида дуолар қилинди.